

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Каттақўрғон шаҳар ҳокими

Г.З.Алимова

“ ” ноябрь 2022 й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Каттақўрғон-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтарида турган фуқароларга "Пиширик печи" сотиб олиш тўғрисида
  - 1.2. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтарида турган фуқароларга "Пиширик печи" сотиб олиш учун жами 4 900 000 (Тўрт миллион тўққиз юз минг сўм)
  - 1.3. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
  - 1.4. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
- Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
«Буюртмачи» манзили:, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси 4- уй.
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қуратишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйдаги малакавий талаблар қуйилади:  
Танлов предмети кийматининг камида 30 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг ёки қуратиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёкат ва ваколатлар;
- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);
- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предменти булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда

агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.